

Садақа Аллоҳнинг ғазабини ўчиради



18:30 / 03.04.2020 3907

«Коронавирус ўта хатарли бир беморликдир. Соғлиқни сақлаш мутахассислари ва шифокорларнинг таъкидлашича, бу дардга чалинган бирор шахсга яқинлашиш, унинг кенг тарқалиб кетишига сабабдир. Карантин яъни, мукамал тарзда изоляция қилинишининг сабаби шуки, одамлар бир-бирларига яқин бормасинлар ва фақат ўз уйларида ўтирсинлар. Бу бир юқумли касалликдир.

Айниқса, ундан жуда оғир ижтимоий зарар хавфи бор. Шариат наздида ҳар ким ўзини ва ўзгаларни зарардан сақлашлиги зарурдир.

Бундай ҳолатда инсонийлик юзасидан динидан қатъий назар маҳалла ва атрофдаги муҳтож ва қийналган ночор одамларга хос эътибор қаратилсин. Чунки, Аллоҳ таолонинг ғазабидан нажот топишнинг бир катта воситаси муҳтож ва ночор одамларга яхшилик қилишдир. Ҳадис шарифда марҳамат

қилинганки, садақа Аллоҳнинг ғазабини ўчиради».

**Ҳинд уламолар жамияти раиси, Мавлоно Аршад Маданий
ҳафизаҳуллоҳ**